

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

### ***Меҳрибон ва раҳми Аллох номи ила***

### **Аллохнинг кудрати**

Эй кичик суюклиларим, сизлар Роббимиз азза ва жалла ҳеч бир ишдан ожиз колмаслигини ва ҳар бир ишга кодир эканини биласизлар. У Зот бизни йўқдан бор қилиб яратган ва бизларни яхшилик ҳамда мевалар билан ризклантиргандир. Бизларга бутун борлиқдаги махлуқотларни бўйсундириб қўйгандир, жумладан, биз ундан сафарда ва бирор жойга бориб келишда фойдаланишимиз учун миладиган хайвонларни яратган, унинг мана шу ер юзидаги махлуқотлари (яъни яратган тирик мавжудотлари) яшаши учун осмондан сувни (ёмгир) ёғдиргандир. Агар мен сизларга: «Бу ишларнинг барчаси нимага далолат қилади?» деб савол берсам, сизлар тезда шундай жавоб берасизлар: «Албатта, бу, шак-шубҳасиз, Аллох таолонинг чексиз (чегара билмас) билмас кудратига далолат қилади.

### **Қадимий қисса**

Эй азизларим, бизларга Куръон қадим замонларда яшаган бир киши ҳақида ҳикоя қилади ва у билан ибрат ва таълимотни ўз ичига олган ва Аллохнинг қудрати ва буюқлигига далолат қилувчи қизиқарли қисса содир бўлган. Бу киши ақлли ва доно эди, Аллохга тасбеҳ айтиб Унга ҳамдлар айтарди, Унга иймон келтирган ҳолда Унга бирор бир бошқа илоҳни шерик қилмасдан Унинг ёлғиз Ўзига ибодат қиларди. У Аллох унга ато этган ақлни фақат Аллохга бўлган иймон ва Ислоҳ динига кириш йўлида фойдаланилиши кераклигини биларди. Эй қичкинтойларим, бу кишининг исми Узайр эди, бу мўмин киши билан қандай воқеа содир бўлганини биргаликда эшитамиз.

### Йўқотиш

У кунларнинг бирида чиройли бир богга кирди, у ерда бир неча соат пишиб турган меваларга қараб қолди ва Роббисига шу неъматлар учун шукр қилди ҳамда узум, анжир ва бошқа яхши мевалардан саватчасига солди, саватчаси тўлди ва уни эшагининг елкасига қўйиб, эшагини минди, эшак егуликни ва Узайрни қўтариб юрди. Бундан кейин Узайр билан қандай воқеа содир бўлганини биласизларми? У юриб кетаётган вақтида Аллохнинг буюқлиги ва қудрати ҳақида ўйлай бошлади ва у уни ўз уйига етказиб бормайдиган бошқа йўлга ўтиб қолганини унутиб қўйди ва йўлдан адашди, тўғри йўлни топиш учун ўнг томон, чап томонга қараб, у ёқ-бу ёқдан йўл қидира бошлади. Унинг қўзи қадим замонлардан бери мавжуд бўлган эски уйлари бор бир бузилган қишлоққа тушди, унда яшаган одамлар ўлиб кетган, улардан фақатгина чириб кетган, қурт-қумурскалар ёб ётган ва уларда хашаротлар яшайдиган суяқларидан бошқа ҳеч нарса қолмагани. Қишлоқдаги бу барча нарсалар хароба ва ҳалок бўлганларга далолат қиларди, Узайр уларга қараб турди, уларни бундан олдин қўрмаган эди. Шундай қилиб, у эшагидан тушар экан, мевалар билан тўла саватчани қолдирди, сўнгра бу қишлоқнинг излари орасида пиёда юрди, бу ёқда ерга йикилиб қолган девор, у ёқда эса фақат бир қисми қолган шифт, улар билан бирга бир кишининг чириб кетган суяқлари ҳам бор эди. Узайр бу нарсаларнинг барчасига қараб саватни ҳам, эшакни ҳам унутди ҳамда уйига кетаётганини ҳам унутди, мана шу бузилиб ётган қишлоқ ҳақида ўйлай бошлади, ўзига ўзи шундай савол берарди: «Қизиқ Аллох бу жисмларни қандай қилиб парчаланган ҳолда қолдирган экан? Қандай қилиб Қиёмат кунида уларнинг шакллари одамни қайтадан яратар экан? Аллох таоло бу харобага айланган

кишлокни кандай килиб яна хаётга кайтарар экан? Эй Парвардигоро! Бу ишни кандай киласан? Бунга кандай эришасан?»

### Жавоб

У ўйлашда давом этаверди, албатта, ўзи бунга иймон келтирганди, лекин бу ишнинг кандай бўлишини билишни ва калби хотиржам бўлишини хохлади. Аллох унга бунинг жавобини ўргатишни хохлади, шу жойда Узайр караб томоша килиб турган вақтда жасади ерга йиқилганини хис қилди, унинг ковоклари ёпилиб қўзлари юмилиб қолди, бунга бир неча лаҳза ўтмасдан унинг мадори қолмади ва юраги уришдан тўхтади. Нима бўлди? Узайр ўлди! Унга эшаги эргашиб бундан кейин у ҳам ўлдими? Нималар бўляпти? Шундай ўлиб қоладими? Ёки Аллох Узайрга ўзи сўраган ва ўтмишдаги бузилган кишлок ишидаги саволига жавобни айтадими?

### Юз йил

Узайр шу холда юз йил ўтказди. У ўлган эди, ҳеч ҳаракатланмасди, шу муддат ўтгач, Аллох таоло унга хаёт берди, уни ўз жойидан тирилтирди, уни кайтадан тирик холига келтирди, Узайр ухлаб қолиб сўнгра уйгондим деб ўйлади. Ҳақиқатда эса у ўлган, сўнгра Аллох унга жавобни баён қилиш учун тирилтирган эди. Шундай холда экан осмонда бир фаришта Узайрнинг жойига яқинрок жойга тушади ва унга савол берди: «Эй Узайр, сенинг жисминг бу ерда ҳаракатсиз ва ҳеч нарса қилмасдан қанча вақт қолиб кетганини

биласанми?» Узайр жавоб берди: «Кўп ухламадим, ўйлайманки, бир кун ёки ярим кун ухладим!» Фаришта шундай деди: «Эй Узайр, йўк, сен ухламадинг, балки ўлган эдинг! Аллох сени юз йилга ўлдирди сен буни билмадинг, бу шахар сен ўлган вақтда бутунлай ўзгарди, сен таниган ва сени таниган одамларнинг кўпчилиги ўлдилар. Аллох сенга ўша жавобни ўз кўзларинг билан кўрсатмокчи, албатта, бу сен саволингга жавоб топишинг ва Аллох ўликларни қандай тирилтириши, уларни чириб кетган суякларга айлантирганидан кейин яна қайтаришини билиб олишинг учун дарс бўлади. Сен, албатта, юз йил ўлик холда бўлдинг, сендан фақатгина хар хил суяклар колди, сўнгра Аллох кудрати ила уларни қайтадан жамлади ва унинг ичига рух пуфлади, эй Узайр, сен тирилдинг, энди эса ўлишингдан олдин ўзинг билан бўлган далилларни кўрасан. Узайр ўзини хайрон колдирган нарсани эшитганидан кейин жавобни тўлик билишга шошилди. Эй суюклиларим, келинлар, фариштанинг колган сўзларини эштамиз.

### Эшак ва саватча

Эй Узайр, биласанки, сен кишлокка киришингдан ва саволингни беришингдан олдин бир эшак минган ва яхши егуликлар билан тўлган саватчани кўтариб олган эдинг, шундай эмасми? Узайр жавоб берди: «Ха, лекин эшак ва саватча ҳозир қаерда? У деди: «Кел, саватчадаги таоминг ва ичимлигингга кара, сўнгра таомингни қайтадан текшир, сен уни ўз холида кўрмаяпсанми? Аллох уни қайтадан худди сен ташлаб кетгандек қилиб қўйди. Сўнгра кел ва мана бу суякларга кара. Бу эшагининг суяклари, бироз кутиб тур, шу пайт суяк бир жойга йигилади! Аллох унга қайтадан гўшт қийгизади, бироздан кейин эса эшагинг яна ўрнидан туради! Карагин, буларнинг барчаси сенинг олдингдир!!!

### Кудратингга иймон келтирдим, ё Парвардигор

Узайр фариштанинг сўзини эшитганида хайратланди ва таом, ичимлик ҳеч ўзгармасдан ўз холига кайтганини ва эшакнинг эса суяклари жамланганини, устида гўшт пайдо бўлиб бироздан кейин худди юз йил ичида ҳеч ўлмагандек ҳаракатланган эшакнинг жасадига айланганини кўрганида унинг хайрати янада ортиб борди! У киши аввалги ишни эсидан чиқариб қўйди, лекин у иймони ва саботининг тезлик билан ортиб бораётганини сизди, у хақиқатни кўз ўнгида кўрди, жавобни мукамал билиб олди, сўнгра иймони комил мўминнинг овози ила шундай деди: **«Албатта, Аллох хар бир нарсага кодирлигини билдим»**

. Сўнгра фаришта деди: «Албатта, булар сен билан бўлиб ўтган ишлардир, булар сенинг кўнглинг хотиржам бўлиши ва ўликларнинг узок вақтдан кейин Киёмат кунида тирилиши ва хаётга кайтарилишининг осон иш эканини билдириш учундир, лекин сен карагин!? Албатта, бу билимга барча мўминлар эга бўлишлари керак, кани, эй Узайр, одамларга уни ўргатиб иймонларини янада зиёда қилгин. Узайр яна йўлга тушади, у йўлни кийинчилик билан топади, унинг атрофидаги барча нарсалар янги эди. Одамлар ўзгарган (авлодлар алмашган) ва уйлари янгидан қурилган, барча-барча нарсалар янги эди, Аллох унга одамларга исбот қилиш ва улар Аллохнинг кудратига иймон келтиришлари ҳамда иймонлари янада зиёда бўлиши учун аниқ мўъжиза ва оятларни ато этди. Лекин бу узокка чўзилмади, иймон келтирганларнинг кўпчилиги яна адашган эди, чунки улар Узайрни эъзозлаб:

**«Узайр Аллохнинг ўғлидир»**

, дер эдилар. Бу эса биз Аллохдан бошқасига ибодат қилганларни яхши кўрсак ҳам ёки ундан кўрсак ҳам, Аллох рози бўлмайдиган қуфрдир, яхши кўриш ва кўркув икковлари фақат Аллохнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилиш учун етакловчи воситалардир, албатта, Аллох иймон келтирганларидан кейин адашган ва қуфр келтирганларни зинҳор унутмайди. Эй азизларим, келинлар, Узайрнинг қиссасини Қуръондан ўқиймиз.

*Бақара*

номли сурадан ўқиймиз, келинлар ва мен билан бирга айтинглар:

*Аллохнинг номи ила қувилган шайтондан паноҳ тилайман*

**«Ёки шифтлари устига қулаган кишлокдан ўтган кишига ўхшашни кўрмадингми? У: «Аллох бунга ўлимидан кейин қандай тирилтиради?» деди. Бас, Аллох уни юз йил ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди. У Зот: «Қанча ётдинг?», деди. У: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича ётдим», деди. У Зот: «Балки юз йил ётдинг, таомингга ва шаробингга назар сол, ўзгаргани йўқ ва эшагингга ҳам қара. Сени одамларга ибрат қилиш учун шундай қилдик. Ва суякларга назар сол, уларни қандок ҳаракатга соламыз ва уларга қандок гўшт қийғизамиз», деди. Унга равшан бўлганда: «Албатта, Аллох хар бир нарсага кодирлигини билдим», деди**

»

.

Мана бу кисса биз уни аввалги галда батафсил ўқиганимиздан кейин энди Куръонда иккинчи марта такрорланиб келди, мен биламанки, сизлар ҳам Узайр киссанинг ниҳоясида айтгани каби шундай дейсизлар: «Албатта, биз Аллох барча ишга кодир эканини биламиз ва ишонч ҳосил қилдик». Эй укаларим, ҳақиқатан ҳам, Аллох барча ишга кодир Зот. У барча ишга кодир, эй кичик суюқлиларим, сизлардан Куръондаги оятларга яна бир бор қайтишингизни умид қиламан ва шубҳасиз, уларни ёдлашга ҳаракат қиласизлар, у қийин эмас. Агар оятларни ёдлаб олсангиз ва киссани тушунсангиз, барча мўмин бандаларини яхши кўрувчи Аллох ҳузуридаги муҳаббатингиз янада зиёда бўлади. Биз мўмин бўлган Узайр ва унинг киссасини, унда содир бўлган Аллохнинг мўъжизасидан кейин одамларга қилган даъватини яхши кўрдик, бизнинг яхши кўришлигимиз Аллохга далолат қилади ва бизларни суюқлигимиз Аллохга ширк келтирмасликка чорлайди, яҳудийлар эса Фиръавн ва юкори даражадаги рухоний шахслардан кўркиб, уларга ибодат қилиб хато қилдилар. Узайр ва солихларни яхши кўриб ибодат қилганларида хато қилдилар. Сомирий уларнинг ақллари устидан қулиб, сигирга ибодат қилдирганида хато қилдилар. Биз, иншааллох, ҳеч қачон хато қилмаймиз. Аллох сизларга баракотлар ёғдирсин ва сизларнинг яхшилигу савобларингизни янада зиёда қилсин. Вассаламу алайкум ва раҳматуллохи ва барокатуху, Охирги дуоимиз оламлар Роббиси бўлган Аллохга ҳамд бўлсин.